



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил  
3 декабрь  
ЧОРШАНБА

№ 96  
(12.107)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжихатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш кунидеб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

монлари идораси мурожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 2008 йил 1 декабрь.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

"Ёшлар йили" Давлат дастурида ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз ишларини бошлаш учун имконият яратиб бериш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Шу мақсадда ёш тадбиркорлар учун салкам 40 миллиард сўмдан орტიқ микрокредитлар ажратилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастуридаги мувофиқ 545,2 миңга таъминлаш йўналиши яратилди. Қувонарли томони шундаки, яратилган иш ўринларининг бир қисми вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги тўғри келади.

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастурига эга. Бугунги кунда ушбу дастур доирасида Микрокредитбанк билан ҳамкорликда жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳларига мурожаат қилган 615 нафардан зиёд ёш тадбиркорларнинг 168 нафарига тавсиялар берилиб, ҳозир 72 нафарига 360 миллион сўм микрокредитлар ажратилган.

Дастур доирасида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танлови ҳам эълон қилинган эди. Унинг куйи босқичларида 1232 нафар ёш иштирок этиб, 75 нафари республика босқичига йўлланди.

Кеча Ўзбекистон Банклар ассоциациясида танловнинг республика босқичи якунланди. Қувонарли томони шундаки, 28 нафар ғолиб орасида вилоятимиз ёшлари ҳам бор. Янгийўл туманидан Зулфия Содикова, Зангиота туманидан Ибрагим Холмиров ва Чорвачилик йўналишида энг ёш тадбиркор деб топилди. Савриндорларга эсдалик совғалари топширилди. **Улугбек ҲАМРОКУЛОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

"Тоштемир йўл-лойиха" оқиқ акциядорлик жамияти мутахассислари яратган янги лойиха "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан маъқулланди.


## МИНИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ

Темирйўл тармоғини электрлаштириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган бу илмий излашнинг бўйича Ангрэн, Охангарон темирйўл бекатларида бир йўлга учта ним электр станциялари бунёд этилди.

Янги лойихада бу замонавий нурхоналарни ўрнатилиш билан боғлиқ техник тадбирлар мажмуаси ҳам ўз аксини топган. Шу йўналишлардаги курилишлар бошлаб юборилди.

**Ақром АЛИМОВ.**

## Қонушимиз – бахтимиз



Ўзбекистон Конституциясининг энг демократик жиҳати шундаки, унда бутун ҳокимият халқ қўлида эканлиги қонуний расмийлаштирилибгина қолмай, халқнинг ушбу ҳокимиятни қандай тартибда амалга ошириши ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган. Конституциянинг 10-моддасига биноан "Ўзбекистон халқи номидан фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президентини иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас".

## ХАЛҚНИНГ ОЛИЙ ВАКИЛЛИГИ

Конституциямизнинг 76-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Олий Мажлис мамлакат миқёсида қонун чиқариш ваколатига эга бўлган ягона орган ҳисобланади. Бошқа бирорта давлат органи ёки мансабдор шахс (жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, Президент, Олий суд ва ҳокказо) қонун қабул қилишга, мавжуд қонунларни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Олий Мажлиси бевосита халқ томонидан ташкил этилади. Унда депутатлар халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, Ўзбекистон халқи ўз ичидан муносиб номзодларни танлаб, Олий Мажлисга вакил сифатида сайлайди. Уларга ваколат бериб қўйди ва шу тариха ҳокимиятга эгалик қилади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, халқнинг ҳокимиятга эгалик қилиши бошқа воситалар орқали ҳам амалга оширилади.

Асосий Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориш ҳуқуқи Олий Мажлис билан бир қаторда Президентга ҳам тегишли эканлиги эътироф этилган. Хусусан, Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистонда давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи ҳисобланган Президент назарда тутилмоқда. Президент жамиятни жипслаштирувчи ва давлат ҳокимияти башқарув механизмининг барқарорлиги ҳамда доимий ишлашини таъминловчи

олий мансабдор шахс ҳисобланади. Конституциямизнинг 89-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг қилинган фаолият юретишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди" деб белгиланган. Президент давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент давлат ичидан халқаро муносабатларда Ўзбекистон халқи номидан олий вакилликни амалга оширади, у ёки бу ҳокимият тармоғига кирмай, балки бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Ўзбекистон Президентини бевосита иқтисодийга, ижтимоий ва маънавий соҳаларда бошқиланган қилишда фармон, қарор, фармойиш бериш ваколатлари билан қонунлар ижро этилишини ташкил қилади. Конституцияга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентини бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлис сингаги Президент ҳам шу йўл билан халқдан ваколат олади ва унинг номидан иш қўради. Президент халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, фаолият юритади ва Конституция ҳамда қонунларга асосланган ҳолда фармон, қарор, фармойишлар чиқаради. Демак, Президентнинг фармон, қарор, фармойишлари қонун кучига эга бўлиб, уларни бажармаслик ёки қасддан бузиш ҳам қонунга, ҳам халққа хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистонда президентлик ҳокимиятининг ташкил

этилиши, вазифалари ва ваколатлари Конституциянинг XIX боб, 89-97-моддаларида белгилаб қўйилган. 10-модда назарда тутган асосий талаблардан яна бири шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президентдан ташқари жамиятдаги ҳеч бир гуруҳ, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқининг ваколатига эга эмас. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Бундай жамоат бирлашмалари, шунингдек, маълум гуруҳлар, ташкилотлар раҳбарлари, алоҳида шахслар Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Шуни унутмаслик керакки, ҳеч қандай ташкилот, ҳеч қандай гуруҳ ва ҳеч бир шахс Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириши мумкин эмас. Акс ҳолда бундай ҳатти-ҳаракат қонунга хилоф ҳисобланади ва тегишлича жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундай тарздаги қонунбузарликлар қўпичча давлатга қарши қарилган жиноят сифатида қўрилади ва бунинг учун қаттиқ жиноий жазолар назарда тутилди. Чунки ҳар қандай демократик давлатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам давлатга, халққа хиёнат асло кечирилмайди.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**  
**Алишер БОЛТАЕВ,**  
Тошкент давлат юридик институти доцентлари.

## Бугун – Халқаро ногиронлар кун

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Мустақиллик йилларида ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишда, Хусусан, Президентимизнинг "2008-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиши янада кучайтириш чора-тадбири дастури тўғрисида"ги Қарори бу ишларга янгича мазмун-моҳият бахш этди.

– Вилоятда мазкур қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, бу жараёнда аҳолининг ноқурбатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бо-

расида аниқ дастур ишлаб чиқилиб, қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, – дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси

ижтимоий ёрдам бўлими бош мутахассиси Клара Алиева. – Жумладан, йилнинг шу давrigа қадар 273 та ногиронлик аравачалари, 116 та эшитиш мосламалари ҳамда 690 та протез-ортопедия воситалари эгаларига топширилди. Шунингдек, 2700 нафар ногиронга республикамизнинг ўнга яқин сижатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).



"Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва ушбу соҳаларда қўлланиладиган янги технологияларнинг "Узгроэксโป – 2008" тўртинчи ҳамда "Чой ва қаҳва – 2008" учинчи иқтисослашган кўргазмалари бўлиб ўтди.

## ҲАМКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжалиқлари уюшмаси, Ег-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Уч кун давом этган кўргазмаларда юртимиз корхоналаридан ташқари, Россия, Хитой, Германия, Италия, Туркия каби ўн етти мамлакатдан эллика яқин фирма ва компания қишлоқ хўжалиги техникаси, озиқ-овқат маҳсулотла-

ри ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ускуналар, музлаткич ва совуттич жиҳозлар, қадқоқлаш воситалари каби қўллаб турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.

"Чой ва қаҳва" халқаро иқтисослашган кўргазмасида чой, қаҳва, табиий дамламалар ҳамда соҳада қўлланиладиган ускуна ва воситалар ишлаб чиқаришдаги ўнлаб компаниялар ўзининг янги технологиялари билан иштирок этди.

**У.А.**

## ЭНГ НАМУНАЛИ ЁШ ОИЛА

Ўзбек Миллий академик драма театрида "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялашлари учун муносиб уй-жой ва маиший турмуш шароитларини яратиш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. "Камолот" ЕИХ ташаббуси билан ўтказилган "Ёш оила – жамият тараққиёти негизи" мавзусидаги республика Форуми бунга мисолдир. Форум доирасида "Энг намунали ёш оила" кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Танловнинг республика босқичида 30 ёшгача бўлган, вилоятларда ғолибликни қўлга киритган ёш оилалар иштирок этди. Улар спорт мусобақалари, "Интеллектуалнинг" беллашуви ва "Моҳир қўллар" танловларида куч синашди. Шу тариха Республикадаги энг намунали ёш оила деб, биринчи ўрин Андрихон вилоти – Собировлар оиласи, иккинчи ўрин Навоий вилоти – Байдуллаевлар оиласи, учинчи ўрин Тошкент шаҳридаги оилага nasib этди. Шунингдек, Сирдарё – энг намунали ёш оила, Қашқадарё – энг ёш оила, Бухоро – миллий аъёналарни сақлаб қолган ёш оила, Фарғона – ташаббускор оила, Тошкент вилояти – тадбиркорлар оиласи, Сурхондарё – энг қувноқ оила, Наманган – интеллектуал оила, Қорақалпоғистон – энг чақон оила, Самарқанд – томошабинлар оқишига сазовор оила номинандаларини қўлга киритишди. **Элёр УРОЛОВ,** "Туркистон-пресс".

## «НАСТАРИН – ЖАСМИН»ДА ЯНГИ МАРКАЗ

Кейинги йилларда мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ҳамда узумчиликни ривожлантиришга қаратилган саноат-ҳаракатлар қўлама оналари қилишга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар очилди. Хусусан, Қўброй туманидаги "Настарин – Жасмин" фермер хўжалигида узумчиликни ривожлантириш марказининг очилганлиги ҳам айни мuddао бўлди.

"Узвинсаноат-холдинг" компанияси узумчиликни ривожлантириш харақатини қўллаб-қувватлаш ҳамда тизимдаги қайта ишлаш корхоналарининг узум хом ашёсига бўлган талабини тўлароқ қондиришга амалий ёрдам бериш мақсадида марказни ташкил этишда бош-қош бўлди. Р. Р. Шредер номидаги "Мева-шарбат" илмий ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Қўброй тумани ҳокимлиги бу ишда ҳамкорлик қилишди. Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар янги марказ таълим, илм-фан ва амалиётни уйғунлаштиришда муҳим ўрин тутганини, узумчилик билан шуғулланаётган фермер-

лар касб маҳоратлари, тажриба ва билимларини шу ёрда оширишлари қўлай имконият эканлигини таъкидлашди.

– Республикада ягона ҳисобланаётган ушбу марказнинг очилиши узумчиликда муҳим кадам бўлди,

десаам янглишмайман, – деди "Antique World" халқаро илмий академиясининг академиги Шукр Темулов. – Негаки, бугунги кунда узумчилик селекцияси, механизацияси ва агротехникаси янги тадқиқот ва излашларга муҳтож. Токзорларимизнинг аҳоли мақтагулик даражада эмас. Серхосил узум навларини танлаб экиш, тўғри жойлаштириш ҳамда агротехника тадбирларини илмий асосда қўллашда айнан мана шу марказ катта аҳамиятга эга бўлади.

Марказ ишига республикадаги узумчилик ва уни қайта ишлаш масалаларида катта тажриба ва билимга эга бўлган 20 нафарга яқин олим ва амалиётчилар жалб этилиб, улар фермер хўжалиги фаолиятига дахлдор бўлган 8 та йўналиш бўйича маслаҳат хизмати кўрсатадилар. Фермерлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб ҳамда амалий ёрдам олиш имкониятига эга бўлдилар. Марказ фаолиятида олимларнинг узумчиликдаги янги илмий ишланмалари, токзорларда қўлланиладиган қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий ўғитлар таъминоти билан шуғулланувчи фирма ва компаниялар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва фермерларга etkазиш масалалари ҳам назарда тутилмоқда.

Хуришда **НАЗАРОВА,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. **СУРАТА:** марказнинг тантанали очилиш маросими. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2008 йил 4 декабрь кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 3 декабрь кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

2009 йил учун  
**ОБУНА**  
ДАВОМ ЭТМОҚДА.  
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**  
газетасининг индекси – 205.



Бугун - Халқаро ногиронлар куни

ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Кун кеча Халқаро ногиронлар куни муносабати билан "Меҳр қолур" шиори остида вилоят хайрия тadbири бўлиб ўтди.

Узоқ-яқин қишлоқлардан 360 нафар ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ташриф буюрди.

ят ҳоқимлиги, маданият ва спорт ишлари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, ногиронлар жамияти, шунингдек, бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

қадрияти, аънаёлари-нинг узвий давоми сифатида барчамизда катта таассурот уйғотди, - деди Янгийул шаҳридан ташриф буюрган Ольга Ячкова. - Шу сабаб байрам дастурхони ва хуш-воз хонандаларнинг концерт дастури ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирамиз.

Тadbирда имконияти чекланган бир қатор иштирокчиларга ногиронлик аравачалари ҳамда барча қатнашчиларга ҳоқимий ташкилотларнинг совға-саломлари тарқатилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).



МЕҲР-ШАФҚАТ МАРАФОНИ

Вилоят ҳоқимлигининг 3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни муносабати билан меҳр-шафқат марафонини ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ ногиронларни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳоқимийликнинг аҳамиятини янада кучайтириш, қолаверса, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ваколатхонаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоятда 1 декабрдан 10 декабрга қадар Меҳр-шафқат марафони ўтказилмоқда.

Фармойишда таъкидланганидек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар бу тadbирни қўллаб-қувватлаш, ҳоқимият улуш қўшмоқда.

Марафондан тушган маблағ мақсади равишда муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлар учун зарур доридармон, аравачалар ҳам-

да бошқа воситаларга сарфланади. Марафон давомида халқимизнинг саҳоват ҳамда меҳр-оқибат каби фазилатлари янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Марафондан тушган маблағлар кўйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади: Тошкент вилояти "Галла-банк" Ҳ/р: 20208000304658339001, МФО: 00987, ИНН: 206938776, ОКПО: 22216580, ОКОНХ: 98600.

Марафон давомида халқимизнинг саҳоват ҳамда меҳр-оқибат каби фазилатлари янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Таабиркорликка кенг ўй ТАШЛАНДИҚ ЖОЙ ОБОД БЎЛДИ

Бундан бир неча йил аввал Оққўрғон туманида бўлиб, марказий ўйингоҳ атрофидаги "Ором" дам олиш масканининг аянчли ҳолатидан афсуслангандик. Қарийб 40 йил муқаддам ташкил этилган истироҳат масканидан деярли номинишон қолмаган, сув ҳавзаси қуриб, пугурдан кетган, атрофи турли маъшиий чиқиндилар билан тўлдириб ташланган эди.

Яқинда шу ҳудудга йўлимиз тушиб, тамомила бошқача манзаранинг устидан чиқдик. Беш-ўн чолги киши маскан атрофини ободонлаштириш, чиқиндилардан тазолаш билан банд. Қуриган шох-шаббалар буталган, гулзорларга жой ҳозирланган. Хуллас, кимдир жон куйдираётгани кўриниб турибди.

Бу ерлар туманимиздаги "Саодат камолот сари" хусусий фирмаси тасарруфига ўтгач, катта ишлар бошлаб юборилди, - дейди маҳаллий аҳоли вакили Раҳимов Сафар Жумақуллов. - Ишбилармон Қомилжон Йўлдошев каровисиз ерни оқпака келтириб, тadbиркорлик фаолиятини кенгайтиришига бел боғлади.

Очиғи, унинг ташаббуси бизни қувонтирди. Негаки, деярли ахлатхонага айланиб улгурган ташландиқ жой эгасини топди, чор-атрофи обод бўлаяпти. ...Тушга яқин ҳоқимлик ҳовлисида Тadbиркор Қомилжон Йўлдошевнинг ўзини учратдик. Сўхбатимиз табиийки, йўл-йўлакай диққатимизни торган ўзгаришлар хусусида бўлди.

ташкил қилгандик, - дейди тadbиркор. - Ҳозир қарамоғимизда 3000 дан зиёд товуқ бор. Фаолиятимизни кенгайтириб, балиқчилик ҳўжалиги ташкил этишни ҳам мақсад қилгандик. Ҳозир сиз айтатган ташландиқ худудни тартибга келтириб, унинг асосий қисмида янги ҳовузлар ташкил қилдик ва бу ерда балиқ боқишни йўлга қўйдик. Ҳисоб-китобларимизга кўра туманимиз аҳолисининг балиқ гўштига аҳтиёжи катта эканлиги маълум бўлди. Ҳозир ҳар мавсумда 7-8 тонна атрофида балиқ етиштириш имконига эгамиз.

ФАРРУХ - ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Беш нафар воёга етмаган ногирон болага протез-ортопедия мосламалари учун йўлланма ажратилди. "Ешлар йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида иқтидорли ногирон болалар ўртасида ўтказилган "Маф-тункор ранглар жилоси" кўрик-танлови якунланди. Унда 19 нафар бола иштирок этди. Голибларга ҳоқимийларнинг совғалари топширилди.

Ашурали БОЙМУРОВОД.

Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари

ВАКИЛЛАР УНГА ИШОНИШДИ

Айни кунларда республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин давом этмоқда. Жумладан, шундай сайлов Бўстонлиқ туманининг Яккатут, Бурчмулла, Янгиқўрғон, Юсуфхона ҳамда Навободни ўз ичига олган Бўстонлиқ қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Бу сўлим масканда 8650 нафар аҳоли яшайди. Сайловда аҳолининг 68 вакили қатнашди.

навқирон авлод камолотини кўзлаб қилинаётган саъй-ҳаракатларимиз натижаси албатта. Бундай ҳаракатлар бошида турувчи оқсоқол янгиликка интилувчан, ташаббускор ҳамда фидойи эканлиги шубҳасиз. Биз вакиллар бугунги сайловда мана шу хислатларни ўзида мужассамлаштирган номзодни қишлоғимизга оқсоқол этиб сайладик.

Кейинги йилларда қишлоқда халқ турмуш фаровонлигини ошириш борасида қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, Бурчмуллада 6, Яккатут қишлоғида эса 3 километрли ичимлик суви қувурлари тортилди. Юсуфхона ҳудудида 1,5 километр йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, Яккатут қишлоғида янги врачлик пункти, Янгиқўрғонда замонавий мак-

таб биноси ҳашар йўли билан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ободончилик ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилаёпти. - Қишлоғимизда кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар, - дейди вакил Юсуф Шобқубов, - аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, меҳнатсеварлигидан далолатдир. Бу халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш,

Сайлов жараёнида оқсоқолликка Довдўж Саидалиев, Рихси Раҳимова ҳамда Жўравой Одинаевнинг номзодлари кўйилди. Вакиллар тўла ишонч билан Жўравой Одинаевни Бўстонлиқ қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайлашди.

Анжуман

ЎРМОНЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Ер шарининг 30 фоизини ёки 4 миллиард гектарини ўрмонлар қоплаган. Уларнинг қарийб ярми Канада, Бразилия, Хитой, Россия ҳамда Америка Қўшма Штатлари ҳудудига тўғри келади.

Меҳнат таълимида самарадорликка эришишда ишлаб чиқариш усталари фаолияти алоҳида ўрин тутди.

МЕҲНАТИ ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташкил этган бу мусобақада Юқоричирчиқ туманидаги Янгибод радиотехника коллежининг меҳнат таълими катта устаси Элвир Собированинг ўқувчи ёшларда радиотехника касбига меҳр ўйотишида кўрсатаётган жонбозлиги муносиб тақдирланди.

"Энг яхши ишлаб чиқариш таълими устаси" вилоят танловида Ўртачирчиқ, Бекобод туманлари, Чирчиқ, Янгийул шаҳарлари коллежлари вакиллари ҳам голибликни қўлга киритишди. Акбар АЛИЕВ.

Бу маълумотлар пойтахтдаги "Малика" меҳмонхонасида бўлиб ўтган "Ўрмон сектори муаммоларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг фаол ва сифатли иштирокини қўллаб-қувватлаш" мавзусидаги анжуманда тилга олинди.

Ёнғун хавфсизлиги ойлиги

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида "Ёнғун хавфсизлиги ойлиги"нинг асосий таърифидан бири бўлган тарбият-ташвиқот ишлари қилинган тadbир ўтказилди.

ЯНГИ АНГРЕН НУРЧИЛАРИ

"Ўз касбининг усталари" кўрик танловида муваффақиятли иштирок этдилар

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан тизимдаги корхоналар ўртасида бўлиб ўтган "Ўз касбининг усталари" кўрик танловида Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси иккинчи погонасидан ўрин олди ва корхонага 4 миллион сўм миқдоридики мукофот пули ажратилди.

Тadbирга мезбонлик қилган Навоий иссиқлик электр станцияси жамоаси мусобақанинг голиби сифатида 6 миллион сўм пул мукофотига эга бўлди. Фарғоналик нурчилар эса учинчи ўринни эгаллашди. Хайъат аъзолари Тошкент, Сирдарё, Муборак, Толимаржон, Тахтағош иссиқлик электр станция-

лари жамоалари ҳам танлов шартлари бўйича ўз касб маҳоратлари ҳамда билимларини намоён этганликларини алоҳида таъкидлашди. Бу жамоаларга ҳам компаниянинг рағбатлантурувчи мукофотлари топширилди.

Ўтказилаётган аънавий танлов авваломбор, кадрлар салоҳиятининг ошишига, корхона ички механизмининг шаклланишига, истиқболли йўлҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, бир сўз билан айтганда, ислохотлар изчиллашувига хизмат қилди. 2010 йилда корхонанинг ташкил топганига 25 йил тўлиши муносабати билан бу аънавий тadbир Ангренда ўтказилиши режалаштирилган.

Нуфузли тadbирга нурчилар жамоаларининг футбол бўйича ўтказилган ўртоқлик учрашувлари билан якун ясади.



Финляндия пойтахтида янги юк бандаргоҳи - Вуосаари қурилиши якунланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Унинг узунлиги ўттиз икки километри ташкил этади.

Маълумотларга кўра, замонавий технологиялар ва логистика тармоғи билан таъминланган ушбу бандаргоҳ Финляндиyaning асосий автомобиль магистраллари, темир йўл тармоқлари ҳамда Шимолий ва Марказий Европа мамлакатларининг денгиз бандаргоҳлари билан тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўйган.

"Asus" компанияси корпуси бамбуқдан тайёрланган биринчи ноутбукни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, экрани 12,1 дюймли ушбу технология Intel Core 2 Duo процессори асосида яратилган. Мазкур ноутбук 1800 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, "бамбуқ ноутбук"нинг афзаллиги шундаки, унда инсон соғлиғига зиён етказадиган кимёвий восита йўқ.

Бразилиyaning Санта-Катрина штатида бир неча кундан бўён давом этаётган кучли ёғингарчилик тошқинга сабаб бўлди. Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, табиий офат оқибатида юздан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган ва йигирмага яқин одам бедарак йўқолган.

Тошқин оқибатида қўллаб-қувватлаш катта зарар етган. Саксон мингга яқин тураржой биноси сув остида қолган, транспорт ҳаракати тўхтаган.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси Зангиота тумани 2-давлат нотариал идора нотариуси ва Ангрен шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Тadbирда таъкидланди-

Санд ХАСАНОВ.







Спорт Спорт Спорт Спорт



ВАКИЛЛАРИМИЗ СОВРИНЛИ БЎЛИШДИ

Тошкент бирлашган техника мактаби картинг бўйича Ўзбекистон кубоги беллашуварига мезбонлик қилди. Мусобақа Ёшлар йилга бағишланди.

Биринчи бўлиб 14 ёшдан 18 ёшга бўлган иштирокчилар беллашди. Шундан сўнг бошқа тоифадаги спортчилар ҳам майдонга тушибди.

Қатрлар

НОШУКРАЛК

Кун исик эди, йўл эса олис. Йўловчи ҳолдан тойди. Ногаҳон бир зўр чинорга дуч келди.

БАХИЛ

Жаноза. Тумонат одам. Улар ичида бахил ҳам бор эди.

Бахил эса: "Хайрият, душманларимдан бири қамайди. Узи ҳам кейинги пайтда жуда гуллаб кетган эди".

СНР

Бу касалхонада беморларга ҳар кун деярли гўшсиз, ёғсиз таом беришарди.

Биласизми?

Дарвоқе, нима биласизми? Билганимиз, неча кило тош бо-сишимиз, миқозимизга нима

"Тошкент ҳақиқати"нинг шу йил 18 октябрь сонида Нарғиза Аҳмедованинг "Туман газеталарида рекламанинг ўрни" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди.

Илгари рекламага "иккинчи даражали материал" сифатида қаралар эди. Таассуфки, ҳозир ҳам айрим газеталарда (хатто республика нашрларида ҳам) ёритилаётган рекламаларга шундай муносабатда бўлинаётгани сезилиб туради.

Одамлар газетага ишонч кўзи билан қарайдилар. Унда ёритилаётган ҳар қандай хабар ёки мақоладан тортиб, реклама ҳамда эълонларнинг ҳам ортида масъул ва масъулиятни ҳис этадиган шахслар туришига ишонмайдилар.

Мазкур кунунда "реклама ва эълонлардаги далиллар учун жавобгарликни тахририят ўз зиммасига олмаслиги" нади.

Мумкин эканлиги ҳақида бирорта гап йўқ... Жўнгина савол туғилди: башарти, бирор қитмир ё чаласавод нотўғри, қандайдир зарарли реклама берса-чи? Уни (пулига уммасдан) ёритишни рад этишга тахририят ҳақлидир.

ситаларни қўллаш белгилаб қўйилган. Модомики, тақдир этилган рекламага нисбатан тахририят ходимида бирор шубҳа уйғондими, марҳамат, уни текшириб кўриши, ноаниқ жойларини аниқлаштиришга кўмаклашиши (бунинг учун керак бўлса, ҳақини олади) мумкин.

мажбуриятлари", "Рекламанинг тахририят ва тарқатувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" ҳам бандма-банд белгилаб қўйилган.

фий вазифаларни адо этса, рекламанинг ҳам бу борадаги вазифалари ундан кам эмас. Аввало, ҳар қандай ахборот кишини нимагадир ўргатади, унга қандайдир билим беради.

Хар бир соҳада илгор тажрибалардан андоза олинадиган ва ўрни келганда рақобатлаштириладиган замонда, муаллифи таъкидлаганидек, рекламаларни ёритишда ҳам илгор усуллардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундан кейин

ИШҚИБОЗЛАР МЕҲМОНХОНАСИ

Бразилиянинг Арамбу шаҳридаги футбол меҳмонхонаси жаҳонда ягонадир. Унинг биноси футбол дарвозаси шаклида қурилган бўлиб, меҳмонларни эрталаб ўйин ҳақами ҳуштангининг овози уйғотади.

ЭКСПОРТГА МУЗЛИ СУВ

Гренландия ҳукумати муздан ичимлик суви ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Экологик тоза бўлган бундай сув инсон саломатлиги учун жуда фойдали.

СОТУВДА ЧЕМПИОН

Франциянинг "Де Дион, Бутон ва Трепарду" компанияси томонидан 1884 йилда ишлаб чиқарилган "Де Дион" автомобили халқаро кимощи давросига қўйилди.

БОШИ ТОШДАН ҲАМ ҚАТТИК

Испаниянинг Гренада шаҳри Фукроси Алехандро Осорнос тўпни боши билан ўйнаётган футболчиларни кўрса, мийғида да кулиб қўяди.



Кўз кунларининг бирида икки яшар укамни аравачасига ўтказиб, тоза ҳавога олиб чиқдим. Осмон беғубор, ҳаво ёқимли эди.

Тайёрланадиган энгил таом учун аввало юмшоқ булчуқлар танланади. Улар озгина сутда ивтиб олингач, шаклига шикаст етказмасдан кўндалангига бўлиб чиқилади.

ОДАМЗОТ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

ёқади-ю, нима ёқмайди. Одамзот умр бўйи ўртача ҳисобда 40 тоннага яқин оғват, яъни ўртача 70 йиллик ҳаётида 11 тонна нон, 16 кило туз ва 7

КИМ БЎЛСА ҲАМ БАРАКА ТОПСИН

у кишини танимадим, кимлигини билолмадим. Манзилимизни айтиб, йўлга тушдик. Маълум бўлишича, хонадон соҳиббаси илтимос қилган машина эгаси то шифохонадан чиққанимизча шу ерда кутиб турган экан.

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Ниҳоят, укам қўзини олди, атрофга беҳол аналдади ва ўрнидан турмоқчи бўлди.

Янгиёул туманидаги 48-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Хансанбоев Улуғбек Шўхратович номига берилган О'Р-Ш № 0921254 рақамли умумий ўрта таълим йўқолганлиги шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОДАМЗОТ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

дан ошади. Юрагимиз шунчалар бақувват эканки, унинг кучи ҳар йил 900 килолик юкни 14 метр баландликка кўтариб чиқишга тенг экан...

Мирзо Улуғбек тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 13 майда Тошмавтов Санжарбек Адихомович номига берилган 403613 реестр рақамли патент, думалоқ муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОДАМЗОТ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

тонна гўшт истеъмол қиларкан. Шунингдек, 42 тонна суюқлик ичаркан. Нафас олган ҳавони ўлчайдиган бўлсак 380 минг куб метр-

Оқангор туманидаги 37-мактаб томонидан 1982 йилда Анарбоева Нуртожи Аҳмадалиевна номига берилган V 828487 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОДАМЗОТ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Бу ҳақда қанча вақт ўтганини билмайман. Ниҳоят, укам қўзини олди, атрофга беҳол аналдади ва ўрнидан турмоқчи бўлди.

Мирзо Улуғбек тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 13 майда Тошмавтов Санжарбек Адихомович номига берилган 403613 реестр рақамли патент, думалоқ муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОДАМЗОТ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

дан ошади. Юрагимиз шунчалар бақувват эканки, унинг кучи ҳар йил 900 килолик юкни 14 метр баландликка кўтариб чиқишга тенг экан...

Advertisement for SsangYong cars, listing models like Actyon, Kyron, Rexton, and Rodius. Includes contact information for the dealership.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA. Muassis: TOHKENT VILOYATI HOQIMLIGI.

BOSH MUHARRIR UBAYDULLA ABDUSHOXIDOV. Telefonlar: Xatlar va ommaвий ishlar b'ulimi: 236-55-54.

MANZILIMIZ: 100000, TOHKENT SHAHRI, MATBUTCHILAR KUCHASI, 32.

TOHKENT VILOYATI MATBUT VA AXBOROT BOSHKARMASIDA 03-001 RAQAMI BILAN RUYXATGA OLINGAN. Gazeta "TOHKENT HAQIQATI" taхририяти komпyuter markazida teriladi va saхifalandi.

Eълон va bilдirувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.